

2010 йилда давлат бюджети харажатларининг 59 фоиздан ортигини айнан социал харажатлар ташкил этади. Биргина тиббиёт соҳаси ривожига учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп, демакдир.



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

• 2010-йил • 7-yanvar • Payshanba • 3 (30.123) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## 2010 йил — баркамол авлод йили!

Янги йил арафасида Марғилон шаҳрида навбатдаги 7-оилавий поликлиниканинг янги қурилган муҳташам биноси фойдаланишга топширилди

— Бизда 26,5 минг аҳолига хизмат кўрсатилади, — дейди бош ҳаким Асадулло Сатторов. — 5 та олий тоифали врач, 25 та олий тоифали ҳамшира, жами 82 нафар тиббиёт ходими худудимиздаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила ва унинг аъзосини яхши билишади. Улар саломатлигидаги барча ўзгариш-

лар, беморлик, соғайиш суръати, соғломлик кўрсаткичлари каби маълумотлар «банк» ташкил этилган. Дарҳақиқат, оилавий поликлиникалар тизими соҳадаги ислохотлар тўғрисидаги кириб келган тиббий хизмат сифати ва натижаларида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Рақамларга мурожаат қилайлик.

Оилавий поликлиникалар ташкил этилгунча Марғилонда бирламчи касалла-ниш 2007 йилда 97,2 минг кишига етган. Айнан шу кўрсаткич 2009 йил якунига кўра 93,1 мингга камайди. Ёки бир ёшгача бўлган болалар ўлими интенсив кўрсаткичи 2007 йилда 19,5 бўлса, 2009 йилда 14,4 ни ташкил этди.



## СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА



Кейинги икки йил ичида шаҳарда оналар ўлими умуман қайд этилмади. Бу эса аввало, оила аъзоларининг диспансер назорати яхшилангани билан боғлиқ. Шунингдек, аниқланган касалликларнинг оилавий поликлиникада шифо топиш кўрсаткичи қарийб 25 фоизга ошди. — Оиламиз катта, — дейди биз билан суҳбатда ушбу ҳудудда яшовчи Турсунбой Эрматов. — Йигирма жон, ўғил-қизлар, набиралар бир хонадонда яшаймиз. Илгари эр-хотин, бир поликлиникага қатнаса, болалар бошқасига, қиз-келиндар яна учинчисига боришар эди. Очиги, бу биз учун ҳам, тиббиёт ходимлари учун

ҳам ноқулайлик туғдирарди. Энди бўлса, оиламизнинг доимий шифокорлари бор. Биз қўли энгил врач Насибахон Мусаева-ни оиламиз аъзосидек кўрамыз. У ҳар биримиздаги касаллик тарихи-ю, соғломлик даражасига-ча билади. Агар поликлиникага бормай қолсак, телефон қилиб қақиради, белгиланган муддатда саломатлигимизни назоратдан ўтказиши. Суҳбатдошимиз айтганидек, соғлом она — соғлом бола ғояси энди уйғунлашиб соғлом оила шаклини олди. Ҳозир биргина Марғилонда 3270 қатновли 7 та оилавий поликлиника ишлаб турибди. Улардан 6 тасини таъмир-

лаш учун 495 миллион сўм сарфланди. Янги оилавий поликлиника қурилишига эса 425 миллион сўм, унга замонавий тиббий жиҳозлар келтиришга яна 98 миллион сўм ажратилди. Буларнинг ҳаммаси биргина Марғилоннинг ўзида қилинаётган ишлардир. Баркамол авлод йили муносабати билан 2010 йилда давлат бюджетидан солиқни сақлаш соҳасидаги харажатларга 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ режалаштирилди. Ушбу кўрсаткич ўтган 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўпдир. Бу эса шубҳасиз аввало, баркамол авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини кенгайтириш, шифокорлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланади. **Муҳаммаджон ОБИДОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

## ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

Баркамол авлод йили Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ёшлари учун янада қувончли келди. Корхонанинг меҳнатда ва жамоат ишларида фаол ёшларидан бир гуруҳига янги уйларнинг қалитлари топширилди. Янги йил шодиёналарини 4-6 хонали шинам, замонавий уйларда нишонлаган 27 та оила аъзолари бундай ғамхўрликка жавобан янада ғайрат билан меҳнат қилиб, нефтчилар шаҳарчаси — Қоровулбозорнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга аҳд қилганликларини билдиришди. Корхона ишга тушгандан бундан аввал маблағи ҳисобидан бунёд этилган бундай уйлар сони мингтага яқинлашиб қолди.

Даврон БАҲРОНОВ

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ МАРКАЗ

Самарқандда 2 та тиббий марказ фойдаланишга топширилди. Виллоят ҳокимлигининг ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь ойида «Она ва бола скрининг» маркази ҳамда виллоят Перинатал маркази биносини таъминлаш ишлари бошланган эди. — Биноларни қисқа муддатда таъмирлаб, замонавий тарзда жиҳозладик. Қурилиш, таъмирлаш ишлари лойиҳа миқдори 603 млн. сўмни ташкил этади. Бу ерда 400 нафарга яқин курувчи муҳандисларимиз 2 сменада иш олиб боришди. Янги йил арафасида самарқандлик тиббиёт ходимларига муносиб тўғрча ҳозирлаганимиздан мамнунмиз, — дейди Самарқанд кимё-қурилиш акционерлик жамиятининг 703-сонли қурилиш монтаж бирлашмаси бошлиғи Альберг Базьян.

— Илгарилари бизнинг марказда оналик ва болаликни ҳимоялашга етарли шароит йўқ эди, — дейди виллоят Перинатал маркази бош врач Замира Ахтамова. — Эндиликда бинолар замонавий қурилиш олдди. Энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яратилган шароитлар соғлом фарзандлар дунёга келишига хизмат қилади.

Абдували ХУДОЁЕВ

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Янги йил арафасида Бухоро туманида қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди.

Тумanning Работикози қишлоғида «Турҳал-работикозитекс» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси иш бошлади. Мазкур корхона экспортбоп момиқ сочиқлар, болалар учун майка ва футболкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, унда 100 нафар қишлоқ ёшлари иш бошлади.

— Йилга 3 миллион доллар миқдоридagi махсулотни экспорт қилишни режалаштирганмиз, — дейди қўшма корхона директори Комил Пешаев. — Шу йилнинг биринчи чорағида эса Австрия, Голландия, Германиядаги буюртмачилар бизнинг трикотаж махсулотларимиздан баҳраманд бўладилар. Ички ва халқаро бозордан мустаҳкам ўрин олиш ҳисобига йил охиригача ишчи ўринларини яна 180 тага кўпайтирамиз.

Дарвоқе, мазкур қўшма корхона цехлари Германия, Хитой, Япония мамлакатлари машҳур компанияларининг энг сўнгги русумдаги ускуналари билан жиҳозланган.

Ўз мухбиримиз

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР



Илгари хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов якунларини қўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг конференциясида сайланган депутатларни рўйхатга олди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларнинг 22 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланди.

2-бет

Келажак авлод ҳақида қайғуриш миллатимизга хос хусусиятдир. Шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида интилади, ўзини аямай меҳнат қилади.

## ИМКОНИЯТ ВА САЛОҲИЯТ МАНБАИ

Шу маънода, давлатимиз раҳбари 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиши айни муддао бўлди. Нимага десангиз, барча саъй-ҳаракатимиз шу эзгу ниятга қаратилади.

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши ўтказган давра суҳбатиди шу ҳақда фикр юритилди. Давра суҳбатиди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, ХДП шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари, «Ис-

тиқбол» ёшлар қаноти вакиллари иштирок этдилар.

Унда асосий эътибор мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов томонидан Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда қилган маърузасида илгари сурилган вазифарларга қаратилди. Жумладан, Юртбошимизнинг «Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту са-

одати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради», — деган фикрлари алоҳида таъкидланди.

Айниқса, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, Интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар барча таълим муассасалари ҳамда оилаларга кириб бориши учун етарли имконият ва салоҳият мавжудлиги, бу борада қилинаётган ишларни янада кучайтириш масаласи давра суҳбати иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Наманган вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев Баркамол авлод йилида партия ташкилотлари ва фаоллари томонидан ёшлар масалалари билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари ва турли тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозимлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Хуршид ФАЙЗИЕВ,  
партия фаоли.


ЎЗХДП  
НОМЗОДЛАРИГА  
ОВОЗ БЕРИНГ!

2



«ЖАЛОЛИДДИН  
МАНГУБЕРДИ»  
ДРАМАСИ

3



МУЗ  
САРОЙИДА...

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар рўйхати

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ту-тилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиясига мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
1.	Азизов Искандар	1957	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Пахтачи тумани Статистика бўлими бошлиғи	Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани	55-Қорадарё сайлов округи
2.	Вафаев Улугбек Назарович	1967	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	52-Булунғур сайлов округи
3.	Гулямов Латиф Якубович	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	86-Чирчиқ сайлов округи
4.	Жумаев Нодир Хосиятович	1976	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети проректори	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	130-Бодомзор сайлов округи
5.	Зокиров Улугбек Хуррамович	1974	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	«Асака» давлат акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилояти филиали бошқарувчиси	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри	73-Шўрчи сайлов округи
6.	Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович	1959	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқук масалалари кўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	46-Учқўрғон сайлов округи
7.	Карамова Комила Зайдуллаевна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Қарши шаҳри, «Насаф» газетаси бош муҳаррири	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри	123-Насаф сайлов округи
8.	Каримова Халипахон Қўлдашевна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори	Андижон вилояти, Андижон шаҳри	9-Андижон сайлов округи
9.	Киргизбаев Абдугаппор Каримжонович	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани	49-Янгиқўрғон сайлов округи
10.	Матякубова Назира Тохтабаевна	1968	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	«Аму тонги» газетаси бош муҳаррири	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри	4-Амударё сайлов округи
11.	Раджабов Фахритдин Зайниевич	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқук масалалари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани	50-Регистон сайлов округи

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Ту-тилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган органнинг номи, партиясига мансублиги	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи
12.	Рахимов Абдуманноб Кузиевич	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқук масалалари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани	20-Чинобод сайлов округи
13.	Раҳматов Саттор Нейматович	1973	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Китоб тумани Болалар поликлиникаси бош шифокори	Қашқадарё вилояти, Китоб тумани	119-Чироқчи сайлов округи
14.	Садиқов Алишер Мирзалиевич	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Сариосиё тумани «Али Мирсодиқ Музаффар Агро» фермер хўжалиги раҳбари	Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани	76-Узун сайлов округи
15.	Сафаева Машкура	1950	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқук масалалари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани	120-Шахрисабз сайлов округи
16.	Тиллабоев Алишер Абдусаматович	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Избоскан тумани «Тиллабоев орузи» фермер хўжалиги раҳбари	Андижон вилояти, Избоскан тумани	18-Избоскан сайлов округи
17.	Турсунбаев Шуҳрат Мирайимович	1970	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Юқори Чирчиқ тумани Курилиш-иқтисод касб-хунар коллежи директори	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани	83-Паркент сайлов округи
18.	Усманов Мажиҳон	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	57-Оқдарё сайлов округи
19.	Хожибеков Улуғбек Лутфиллаевич	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Андижон тумани «Ёрбоши келажиги» фермер хўжалиги раҳбари	Андижон вилояти, Андижон тумани	19-Хартум сайлов округи
20.	Холиқова Дильбар Маликжоновна	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	«Ўзбекистон почтаси» очик турдаги акциядорлик жамияти Наманган филиали директори	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани	47-Чортоқ сайлов округи
21.	Юнусова Алия Туйгуновна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	77-Ангрен сайлов округи
22.	Юсупов Абдиқаҳор Назарович	1971	Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошлиғи	Самарқанд вилояти, Иштихон тумани	53-Иштихон сайлов округи

## ЎзХДП номзодларига овоз беринг!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмаганлиги сабабли Марказий сайлов комиссияси мазкур округларда такрорий овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган. Ушбу сайлов округларининг 21 тасига ЎзХДПдан депутатликка номзодлар кўрсатилган.



**Қорақалпоғистон Республикаси**  
1-Нукус сайлов округи  
1. АЯПОВ Шарафатдин Аяпович — Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Миллий истиқлол гоисини тарғибот этиш маркази раҳбари.

**Бухоро вилояти**  
27-Жилвои сайлов округи  
2. ОЧИЛОВ Камил Раҳимович — Бухоро давлат тиббиёт институти кафедраси мудири.

**Жиззах вилояти**  
30-Дўстлик сайлов округи  
3. БУТАЕВ Мирзақул Отақуллович — Дўстлик тумани «Эшнӣёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари.

**Навоий вилояти**  
35-Қизилтепа сайлов округи  
4. АҲМЕДОВ Аҳад Амириддинович — «Гарбгазтаъминот» унитар корхонаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.

**Наманган вилояти**  
44-Тўрақўрғон сайлов округи.  
5. МАНСУРОВ Зиёвуддин — Республика Маънавият-тарғибот-маркази Наманган вилоят бўлими раҳбари.  
45-Уйчи сайлов округи.  
6. АБДУЛЛАЕВ Рашид Набиевич — Уйчи тумани «Абдулло» фермер хўжалиги раҳбари.

**Самарқанд вилояти**  
62-Ургут сайлов округи  
7. ҚИЕМОВ Маъмуржон

Умирзоқович — «Жамият» ижтимоий сиёсий газетаси бўлими мудири.

**Сирдарё вилояти**  
67-Оқолтин сайлов округи  
8. МАМАДАЛИЕВА Нигора Мухамадалиевна — Оқолтин тумани «Нигора» хусусий фирмаси раҳбари.

**Сурхондарё вилояти**  
74-Денов сайлов округи  
9. БАЙҚУЛОВ Анвар Абдугаппарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси.  
75-Сариосиё сайлов округи  
10. ШАРОФУДИНОВА Дилдора Мухиддиновна — Сариосиё тумани

хотин-қизлар кўмитаси раиси.

**Тошкент вилояти**  
78-Бекобод сайлов округи  
11. АЗАМОВ Мухитдин Мухтарович — «Қишлоқхўжалиқимё» худудий акциядорлик жамияти Бекобод тумани филиали директори.  
80-Бўстонлик сайлов округи  
12. РАШИТОВ Қаҳрамон Батирович — «Узнефгазмаш» акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари.  
89-Дўстобод сайлов округи  
13. АҲМЕДОВ Сайидвали Абдувалиевич — Оққўрғон тумани «Гулистон-Бўстон» хусусий машина-трактор парк раҳбари.

**Фарғона вилояти**  
90-Бешариқ сайлов округи

14. БОЙМАТОВ Холматжон Йўлдошев — Бешариқ тумани ҳокимлиги молия бўлими мудири.  
92-Яйпан сайлов округи  
15. ҚўЛДАШЕВ Жўрақўзи Юсупович — Катта Фарғона магистрал канали бошқармаси бошлиғи.  
96-Олтиариқ сайлов округи  
16. ИБРАГИМОВ Қаҳҳор Маматаджиевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси.  
99-Фарғона сайлов округи  
17. АҲМЕДОВ Алҳам Джалолович — «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят кенгаши раиси.  
102-Қува сайлов округи

18. САЙФИТДИНОВА Мастурахон — Қува тумани «Қува анори» агрофирмаси директори.  
103-Бувайда сайлов округи.  
19. ТОШМАТОВА Ҳабиба Рўзибоевна — Ўзбекистон ХДП Бувайда туман кенгаши раиси.

**Хоразм вилояти**  
111-Шовот сайлов округи  
20. РЎЗМЕТОВ Хайрулло Ибдуллаевич — Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари.

**Қашқадарё вилояти**  
116-Косон сайлов округи  
21. ЭРНАЗАРОВА Гулноза Ҳамраевна — Қарши давлат университети Ўзбек филологияси факультети декани.

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАСАНГИЗ  
МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, ИЖТИМОЙИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМИ  
МАНФААТИ УЧУН ОВОЗ БЕРГАН БЎЛАСИЗ.**





СПОРТ СПОРТ

МУЗ САРОЙИДА...

Ўғил-қизларнинг шодон кулгисию қийқириги янграмоқда

Юртимиз серкўёш ўлкалардан ҳисобланади, қишда ҳам қор кўп ёғмайди. Бироқ мамлакатимизда қишки спорт турларига қизиқадиган ёшлар оз эмас.



Ўзбекистон спортчилари мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишки спорт турлари бўйича ўтадиган Осие, жаҳон чемпионати ва Олимпия ўйинларида мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Мохир спортчимиз Лина Черязова 1994 йил Лиллехаммерда (Норвегия) ўтган қишки Олимпия ўйинларида фристайл бўйича маҳорат кўрсатиб, олтин медаль билан тақдирланган.

Хукуматимиз ёшларимизнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, қишки спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мисол учун, мана, қишнинг салкам бир ярим ойи ўтиб бораётган бўлса-да, ҳали ўлкамизда деярли қор ёғмади. Болажонлар эса коньки учини, қорбўрон ўйнашни соғиниб қолишган. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманининг 19-даҳасида эса...

2008 йилнинг ноябрь ойида замонавий Муз саройи фойдаланишга топширилган эди. Ҳозир мажмур спорт мажмуи ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.

— Ушбу спорт мажмуи Ice Rink Россия — Ўзбекистон қўшма корхонаси томонидан қуриб битказилган, — дейди Муз саройи директори Анвар Ачилов. — Сатҳи 550 квадрат метрни ташкил қилувчи майдон сунъий муз билан қопланган. Бу эса йилнинг исталган фаслида конькида югуриш, муз устида нафис учиш машғулотларини ўтказиш имконини беради. Шунингдек, мажмуимиз эшиги нафақат қишки спорт турлари билан шуғулланувчилар, балки хаваскорлар учун ҳам доимо очик.

Ҳозир Муз саройида ҳар соатда эллик нафардан зиёд ўғил-қиз қиш тафтини ҳис қилиши мумкин. Уларга Элита Аванесян, Екатерина Малиновская, Нигора Асланова, Ирина Сазонова каби мураббийлар машғулотлар ўтишмоқда.

— Айти пайтда мактаб ўқувчилари учун қишки таътил бўлганидан фойдаланиб, саройимизда махсус театрлаштирилган томошалар ташкил этаёмиз, — дейди мураббий Элита Аванесян. — Шунингдек, конькида югуриш, муз

устида нафис учиш тўғралакларини ишлаб турибди. Бу тўғралакларимизда юз нафарга яқин ўғил-қиз ўз маҳоратларини оширишмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида илк маротаба болалар ва ўсмирлар ўртасида муз устида нафис учиш бўйича Тошкент шаҳар биринчилигини ўтказдик. Унда эллик нафардан зиёд иштирокчи голиблик учун баҳс юритишди.

Элита Аванесян фигурали учиш бўйича спорт устаси. У 1973-83 йилларда жуда кўплаб йирик мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган. Кўп қарра Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар совриндори.

— Албатта, мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишларни кўриб хавасингиз келади, — дея давом этади у. — Бундай сунъий муз қопламали майдон бошловчи ёшлар учун жуда қулай. Бехос йиқилсангиз ҳам бир жойингиз лат ейиш, жиддий жароҳатланиш эҳтимоли жуда кам. Биз келажакда шаҳар биринчилиги мусобақалари билан чекланиб қолмасдан халқаро турнирларда ҳам мунтазам қатнашишни режалаштираёмиз. Шоҳсанам Тоҳирова, Даниел Перменов, Комила Абдуллажонова, Севара Халилова, Валерия Ли сингари шогирдларимиз фигурали учиш бўйича Қозо-

ғистонда ўтган халқаро мусобақалардан совриндор бўлиб қайтишди. Қувонарлиси, илк сабоқларни сунъий майдонда олган бу ўғил-қизлар табиий муз устида ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмади. Аксинча, кучлилар қаторида номлари эътироф этилди.

— Бу ерда шуғуллана бошлаганимга эндигина тўққиз ой бўлди, — дейди саккиз ёшли Севара Халилова. — Мураббийимиз Элита Ивановнанинг машғулотларини қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Маҳоратим кундан-кун ошиб бораётганидан хурсандман. Келажакда фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионатларида голиб бўлсам дейман.

Ҳа, дарҳақиқат, бугун Муз саройида бўлсангиз, чинакам кумуш қиш нафасини ҳис қиласиз. Муз устида коньки уяётган болажонларнинг шодон қийқириги-ю, кулгиси руҳингизни кўтарди.

Уларнинг ҳаммаси ҳам номдор спортчи бўлолмастлиги мумкин. Аммо бу маскан уларни жисмонан соғлом, руҳан тетик қилиб тарбиялайди. Қурашга, мақсад сари интилишга ўргатади. Энг асосийси ҳам ана шу.

Эркин ХОЛБОВО, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратларда: Муз саройи ҳаётидан лавҳалар. Э.БОТИРОВ олган суратлар.

КУРАШ МАЛИКАСИ

Косон туманидаги Гувалак қишлоғида бадиий гимнастика зали қуриб берилгани йилнинг катта воқеаси бўлди. Спортнинг бир қанча турлари билан кўплаб ёшлар шуғулланмоқда. Айниқса, курашга ишқибозлар кўп экан. Динора Донаева ана шу истеъдодлардан биридир.

Диноранинг саккиз ёшидан спортга ишқи тушди. Қишлоқларидаги тўғраққа қатнади. 2001 йилда Жиззах

шаҳрида турон кураши бўйича мамлакат биринчилигининг кумуш медалига сазовор бўлди. Миллий кураш бўйича бир неча бор шоҳсурага кўтарилди. 2007-2008 йилларда дэю-до бўйича мамлакат чемпиони. Самбо кураши бўйича 2009 йилда Осие чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. Айти пайтда Динора Донаева Қарши давлат университетининг жисмоний маданият бўлимида таҳсил олмоқда. Миллий, дэю-до, самбо курашлари бўйича спорт устаси бўлган бу қиз келгусида Олимпияда чемпиони бўлиш ниятида.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ УНУТИЛМАС СОВФАСИ

Пастдаргом туманининг «Боғонали» маҳалласи ҳудудида Янги йил бошида 480 ўринли замонавий мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

— Илгариги мактаб биноси ўтган асрнинг 50-йилларида хом гишдан қурилган, мослаштирилган бинода жойлашган эди. Синфхоналар кичкина ҳамда қоронғу, ёшларга мукамал билим бериш учун шaroитлар етарли эмас эди. Мен мактабда қарийб 20 йил директорлик қилдим. Ҳозир нафақадан, — дейди Абдуҷаббор Холов. — Уша пайтлари биз ҳам мана бундай замонавий, кенг, ёруғ синфхоналарда дарс беришни орзу қилардик. Президентимизга раҳмат. Мана қишлоқларимизда барча қулайликлар мумкин мактаблар қурилди.

Айниқса, кимё, физика сингари қатор фан хоналарининг жиҳозланганлигини айтмайсизми! Олдинлари компьютер синфхоналари биз учун орзу эди, ҳолос.

— Мактабимиз ўқувчилари ҳозиргача уч сменада ўқишарди. Янги икки қаватли мактаб биноси фойдаланишга топширилгач, машғулотлар бир сменада ўтказилмоқда, — дейди мактаб директори Мавжуда Қаршиева. — Туман марказидан олис қишлоқда ҳам шундай замонавий, кўркам мактаб ишга тушгани ўқувчиларимизга ҳам, ўқувчиларимизга ҳам янги йилнинг унутилмас совфаси бўлди. Ҳозир биз учун қўшалоқ байрам.

— Ўтган йили Пастдаргом туманида 39 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 4 та янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Собир Сатторов. — Бу аббатта ўқувчиларимизнинг дарсларни ўзлаштиришларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу юмушларнинг барчаси келажакимиз эгалари бўлган баркамол авлодни тарбиялаш борасида қилинган ишларимизнинг бошланиши, ҳолос.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи!

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



Гулсараҳон Остонақуллова 1983 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2006 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. Ҳозир университетнинг «Менеджмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича аспиранти. У аспирантлар ўртасида 2009 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳиби бўлди. Бугунги кунда «Ипакчилик тармогини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб бормоқда.

— Мамлакатимизда ипакчилик тармоғи иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади, — дейди тадқиқотчи. — Ўз навбатида соҳани ривожлантириш экспорт ҳажми ошишини таъминлайди. Бугун даврнинг ўзи бошқа соҳалар қатори ипакчиликни ҳам назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда. Бу борда, айниқса, маркетинг масалаларини етарлича тадқиқ этиш зарур. Шу боис илмий иш республика ипакчилик тармоғи корхоналари маркетинг фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва амалий ҳолатини такомиллаштириш бўйича тақдир ва тавсияларни бериш, соҳани ривожлантиришда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган.

Гулсараҳон Остонақулловани илмий изланишлари натижалари бўйича республика ва хориж илмий нашрларида 5 та илмий мақола, 2 та ўқув қўлланма (ҳаммуаллифликда), 1 та монография, 5 та тезис чоп этилган.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ижтимоий таъминот ходимлари Бухоро шаҳрининг Абдулла Набиев кўчасида яшовчи бирикчи туруш ногирони Дилафрўз Саидовани сўраб боршганда қизнинг сўзларини чехраси ёришди. Унга таянма аравача тортиқ этишганда эса қувончини яширолмади...

КўНГИЛ СўРАГАН КАМ БўЛМАС

— Энди таянма аравача кўчада бемалол сайр қила олам, — дейди Дилафрўз. — Бизга мурувват кўрсатганларга раҳмат. Бухоро шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари бундай сўзларни деярли ҳар кун эшитадилар. Сабаби улар ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар, ногирону пенсионерларга беминнат хизмат кўрсатишда муайян тажриба тўплаган. Қаровчиси йўқ ёлғизлар ҳолидан хабар олиб, ногиронлар

дардига малҳам бўлаётган ходимлар саъй-ҳаракати билан шу йилнинг ўтган даври мобайнида 19 нафар ногирон таянма аравачалари бўлди. Шулардан беш нафари воёга етмаган болалардир. 13 нафар ногирон эшитиш мосламаси, 18 нафари эса қўлиқ ҳасса билан таъминланди.

— Биласизми, — дейди ижтимоий таъминот хизмати ходими Дилрабо Адизова. — Шу қасбини танлаб, хато қилмаганман. Ҳар кун кимгадир фой-

дам тегаётгани билан ғурурланаман.

— Ҳар бир байрам тадбири ногиронлар, пенсионерларсиз ўтмайди, — дейди биз билан сўхбатда бўлим бошлиғи, ХДП аъзоси Акбар Муҳамедов. — Байрамлар арафасида 51 та тадбир ўтказилган бўлса, уларда 663 нафар уруш ногирони, ёлғиз кекса ва юз ёшдан ошганларга меҳр-мурувват кўрсатилди. Уларга 9 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам, совға-саломлар берилди. 485 нафар тўшақда ётиб қолган ногиронлар ҳам эътибордан четда қолмади. Бизга «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хомий ташкилотлар яқиндан кўмак беришмоқда. Яна бир жиҳат. Бўлим ходимлари пенсионерларнинг соғлиқларини тиклашлари учун қайғуриб келишяпти. Хусусан, 190 нафар пенсионер саломатлигини мустаҳкамлаб олди. Янги йил арафасида эса 44 нафар уруш қатнашчиси ва 57 нафар ногирон, 7 нафар юз ёшдан ошганлар, 443 нафар ногирон болаларга совға-салом улашди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — ЖАМИЯТ ДЕМАҚДИР

Тиббуёт

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келиши айти ҳақиқатдир. Бу борда кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган бир қатор фармон ва қарорлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— Соғлом авлодни шакллантиришда тиббиёт ходимларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади, — дейди Юнусобод туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиниканинг оилавий шифокори Дилдора Садейева. — Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида «Соғлом она — соғлом бола» ғоясига ҳам алоҳида урғу бердилар. Шундан келиб чиқиб

соғломлаштирилди. Шу билан бирга, туғиш ёшидаги аёлларга контрацепция ҳақида ҳам кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, поликлинника ходимлари мутахассислар билан биргаликда маҳаллаларда, ўқув масканларида, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳақида узлуксиз сўхбатлар ўтказиб келади. Туғиш ёшидаги аёллар билан мулоқотлар ташкил этиб, соғлом авлодни воёга етказишда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тавсиялар беради. Бундан кўзланган мақсад — она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишга муносиб улуш қўшишдир. Зеро, соғлом фарзанд — соғлом жамият демақдир.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Publication details including BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Taf'ana KISTANOVA, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, BO'LIMLARI: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.